

# РЕСТАВРАЦИЯ СОҲАСИДА БЕРЛИН ТАЖРИБАЛАРИ

ГЕРМАНИЯ КУТУБХОНАЛАРИГА  
ХИЗМАТ САФАРИ ТААССУРОТЛАРИ



**Абдувоҳид Норбоев,**  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси  
Ахборот-кутубхона  
фондларини  
консервация ва  
реставрация қилиш  
хизмати раҳбари

**Д**унё маданиятида реставрация соҳасининг алоҳида ўрни мавжуд бўлиб, унинг тарих ва келажак олдидаги вазифаси улкан аҳамиятга эга. Бу соҳа ривожланган ва дунёга машҳур, улкан кутубхоналарни бирлаштирган мамлакатлардан бири Германиядир. Жорий йилнинг 5 – 13 сентябрь кунлари Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда юртимизда фаолият олиб бораётган бошқа бир қанча ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари Берлин шаҳрига хизмат сафарида бўлдilar. Асосий мақсад, хорижий кутубхоналар иши билан яқиндан танишиш ва электрон нашрлардан фойдаланиш, рақамлаштириш жараёнлари ҳамда ахборот-кутубхона фондларини консервация ва реставрация қилишда янги шакл ва методларни ўрганишдек бир қанча устувор вазифалар қўйилди. Хизмат сафари давомида фақат Олмон юртидагина эмас, балки бутун дунёга машҳур кутубхоналар, уларнинг нодир адабиётлари билан танишилди. Улардаги хизмат кўрсатиш, китоб сақлаш, ахборот тўплаш ва узатиш ҳамда реставрация бўйича ўзига хос амалий жараёнлар билан танишиш имконини берди.

Германияда кутубхоналарнинг ҳар бири ўз ихтисослиги бўйича минтақада катта ахборот оламига эга эканлиги билан ажралиб туради. Айнан, нодир нашрлар фондининг бойлиги, ноёб коллекцияларнинг кўплиги, уларнинг сақланиши ҳамда рақамлаштириш, реставрация ва консервация ишлари юқори даражада йўлга қўйилган. Айниқса, Берлиндаги Давлат кутубхонасида махсус Шарқшунослик бўлими мавжуд бўлиб, унда фаолият юритаётган мутахассислар кўҳна шарқнинг нодир ва алоҳида қимматга эга китобларини ўрганиши билан бирга, уларни асраш ва узоқ вақт сақланишига алоҳида эътибор қаратишади. Ушбу масканда рақамлаштириш ва реставрация ишлари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, моҳир мутахассислар томонидан амалга оширилмоқда. Кутубхонанинг Шарқшунослик бўлимида китобларни эҳтиёткорлик билан рақамлаштириш, шикастланган китобларни ўз ҳолатига қайтариш жараёни жуда муҳим ҳисобланади. Рақамлаштириш жараёнининг муҳим томони шундаки, Германияда авторлик ҳуқуқига жиддий муносабатда бўлиниши ва шу сабабли муаллифнинг рухсатисиз электрон вариантини олиш мумкин эмаслиги маълум бўлди. Биз XVI – XVII асрларга тааллуқли нодир нашрларни рақамлаштирилиши билан танишдик ва ўзимиз учун зарур бўлган бир қанча тажрибаларга эга бўлдик.

Реставрация бўлимининг 13 та белгиланган ходими кенг ва ёруғ хоналарда фаолият юритади. Кутубхонада бўлимининг асосий вазифасини 3 та йўналишга ажратиш мумкин:

- махсус фондларни реставрация қилиш;
- мусиқа материаллари, ғарб ва шарқ асарларини реставрация қилиш;
- кўргазма материалларини реставрация қилиш;

Ушбу бўлим рақамлаштириш жараёнини назорат қилиш вазифасини ҳам бажаради. Шунга қараб, реставрация ишлари амалга



оширилади. Бундан ташқари, тарихий китоблар билан ишлаш хонаси мавжуд бўлиб, бу ерда шикастланган ва зараланган нодир ва ноёб асарларни консервация ва реставрация қилиш билан шуғулланилади. Кутубхонада узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали муқовачи-реставраторлар фаолият юритади. Мутахассислар китобларни реставрацияга тайёрлашдан аввал китобнинг номи, мазмуни ва тасвирига алоҳида эътибор берадилар. Тамирлаш аввалдан белгиланган тартиб ва лойиҳаларга асосан олиб боради. Улар ўз меҳнати самарадорлигини ошириш учун қимматли қоғозлар, техниканинг юқори даражадаги имкониятлари, кимёвий ишлов бериш, ноёб асарларга ишлатиладиган ашёлардан унумли фойдаланишади.

Фотосуратларни таъмирлаш хонасида эса, биринчи вазифаси янги келган асарнинг ҳолати тўғрисида ахборотнома тайёрланади. Унда, ҳақиқатан ҳам, реставрация ёки консервация қилишга эҳтиёжи бор ёки йўқлиги аниқланади. Бундан ташқари, китобларга етказилган шикастлар – сув, чой, кофедан қолган доғлар, бурчаклари емирилиши, қоғозларнинг букланганлиги каби ҳолатлар тўлиқ ўрганилиб чиқилади. Шундан кейин таъмирлаш ишлари секин-аста амалга оширилади. Реставрация бўлимида катта ҳажмдаги китоблар, хариталар, Осиё минтақаларидан келтирилган асарларнинг мавжуд ноёб асбоб-ускуналар воситасида доғлари кетказилади ёки имкон қадар камайтиради. Ундан ташқари, «Асбо» техник қурилмаси орқали асарлар аввал намлантирилади, кейин қурилади. Мана шу жараёнларни амалга ошириш учун керакли қуриш мосламалари мавжуд. Қачонки махсулотларни намлантириб доғларни кетказиш учун асарнинг чидамлик даражасини ўлчаб, аниқлайдиган апарати ҳам бор. Демак, чидамли, яна ўз аслига қуригандан кейин қайтадиган китоблар, ёзуви намликда ўчиб кетмайдиган китоблар қабул қилинади. Маълумки, кўп асарлар пергаментда ёзилган. Намликни ўлчаш хонасида



махсус мослама апарат бор, унга сувланган ва тозаланиши керак бўлган қоғоз солинади, қоғоз юқорига чиқади ва яна бошқатдан сувга босилган пайтда йиртилган жойи ямалади, доғи кетади. Ўз-ўзидан сувга чидамли бўлган асарларнинг ёзуви сақланиб қолади. Муқоваси учун чидамли ва чиройли бўлиши учун мана шу хонада чармларни тайёрлаш мосламаси ҳам тайёр, бирданига муқоваланиб фойдаланиш учун чиқарилади. Ноёб асарлар билан ишлаш бўлимининг хонасида жуда кичик ва кўзга кўринмас шикастларни аниқлайдиган, катталаштириб кўрсатадиган алоҳида қурилмалар воситасида ўта ноёб асарларнинг шикастланишлари обдан ўрганилади.

Китоб муқоваларига махсус чип ва шифрлар ўрнатилгандан сўнг, турли хил шикастланишларни олдини олиш ва узоқ муддат сақлаш мақсадида шаффоф ҳимояловчи қопламалар ёпиштириш бугунги кунда урфга айланиб бормоқда.

Бундай тажриба алмашувлари янгича қарашлар билан танишиш, замонавий технология ютуқларини амалиётда қўллаш, ўз устида муттасил иш олиб бориш каби кўплаб ютуқларни олиб келади.

Берлин Давлат кутубхонаси бўлимининг асосий вазифасини 3 та йўналишга ажратиш мумкин:

- махсус фондларни реставрация қилиш;
- мусиқа материаллари, ғарб ва шарқ асарларини реставрация қилиш;
- кўргазма материалларини реставрация қилиш

**Абдувоҳид Норбоев, главный специалист службы консервации и реставрации информационно-библиотечных фондов Национальной библиотеки Узбекистана.**

*В данной статье рассматриваются итоги стажировки в библиотеках Германии. Цель поездки - это изучение деятельности библиотек города Берлина, особенностей работы в организации процессов реставрации, консервации редких и особенно ценных изданий и рукописей. В настоящее время в Берлинской Государственной библиотеке хранятся более 217 000 тысяч редких изданий, из них, около 42 000 тысяч являются восточными изданиями. Специалисты библиотеки для восстановления и реставрации изданий ведут работу по трем направлениям: это реставрация специальных фондов, музыкальных и выставочных материалов. Все технологические операции выполняются на современном оборудовании с применением специальной бумаги для реставрации. ■*